

**Андижон шахар «Андижон тезкор тозалик» масъулияти чекланган жамияти билан майший ва  
(курилиш) чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича**

**ШАРТНОМА № 2022-ТТБ/1**

**«27 » Январ 2022 йил**

**Андижон шаҳри**

Бизлар ким, биринчи томондан ўз Низомига асосланиб фаолият олиб бораётган Андижон шахар «Андижон тезкор тозалик» маъсулияти чекланган жамияти раҳбари Раҳмонов С.С. (келгусида «Бажарувчи» деб номланувчи) ва иккинчи томондан

*Андижон шаҳри  
майший чекланган жамияти*

*1,2 - тутарчою*

келгусида

«Буюртмачи» деб номланувчи) лар ушбу икки томонлама шартномани туздилар.

**1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1.«Бажарувчи»,«Буюртмачи» тақдим килган ёзма буюртма (наряд)га мувофик мавсумга караб, корхона худудидан чиккан майший чиқиндиларни тегишли жойга ўз транспорт воситаларида олиб кетиш хизматини бажаришни ўз зиммасига олади.

1.2.«Бажарувчи» бундан ташкири «Буюртмачи»нинг ёзма буюртмасига биноан маҳсус транспорт воситаларини ажратиш мажбуриятларини хам ўз зиммасига олади.

1.3.Хар ойнинг 3-кунига қолмай ўтган ой хисоб-китоб килиниб, солиштирма далолатнома тузилади ва «Буюртмачи» томонидан кўрсатилган хизматлар учун хак туланди.

**2.ШАРТНОМА БАХОСИ**

2.1.Шартноманинг умумий суммаси *14941 850/чунгунчалик, тутарчою* сўмни ташкил киласди.

2.2.Хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби кўйидагicha:

“Бажарувчи” га Андижон вилоят Хокимининг 05.04.2019 йилдаги №159-К сонли карорига мувофик, майший, курилиш ва саноат чиқиндиларини хар бир руйси учун 268 000(икки юз отмиш саккиз минг сум) 1 тоннаси учун ташиб кетиш хизматлари 59 915 (эллик туккиз минг туккиз юз ун беш) сум, чиқинди ташлаш кутиси бўйича 1/м3 учун 35075 (уттиз беш минг етмиш беш) сум, ёки хар бир чиқинди кутиси учун 43 875 (кирк уч минг саккиз юз етмиш беш) сумдан пул ўтказиш йўли оркали кушилган киймат (15%) солиги хисобланган холда хак тўлайди.

№	Авто русуми	Юк ташиш хажми (тн)	Чиқинди ташиш сигими (тн)	1 тонна чиқинди ташиш нархи	1- рейс чиқинди ташиш нархи
1	HOWWO	25	14,28	59915	855.586

2.3.Ўз.Респ.Сан.ПиН нинг № 0297-11 сонли 2011 йилда ишлаб чиқилган меъёрий хужжатга асосан, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шахар тозалиги ва ободончилигини саклаб колиш учун ходимлар сонига нисбатан меъёрий хужжат бўйича ишлаб чиқилган калкульация асосида йиллик тўловларни амалга ошириб беради.

2.4.Шартноманинг суммаси бажарилган кўшимча ишлар ва ойлик солиштирма далолатномаларга асосан ўзгариши мумкин ва хак унга асосан тўланади.

**3.БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1.«Буюртмачи» хар ойда бир марта хизмат бажаришни сўраб ёзма буюртма (наряд)ни «Бажарувчи»га ойнинг 1-кунига кадар имзо остида тақдим килиши керак.

3.2.Буюртмадан ташкири қўзда тутилмаган кўшимча ишлар юз берган холда, «Буюртмачи» кўшимча буюртма бериши мумкин.

3.3.Буюртмачи» хар ойда солиштирма далолатномани бажарилган иш хужжатларига асосан кейинги ойнинг 3-кунига кадар имзолаши шарт.

3.4.Иш жараёнда «Буюртмачи» техника, меҳнат ва ёнгини хавфсизлигини таъминлаши лозим.

**4.БАЖАРУВЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1.«Бажарувчи» «Буюртмачи»дан буюртма олгандан кейин юк ташиш учун керак бўлган автотранспорт воситалари сонини ва турини белгилайди хамда уларни ишга чиқарилишини таъминлайди.

4.2.«Бажарувчи» «Буюртмачи» нинг ўзига якин бўлган конуний ахлат нукталаридан ўз вақтида Маданият палигонига олиб чиқиб кетишни таъминлайди.

4.3.«Буюртмачи» ўз автотранспорт воситаси билан майший чиқиндиларни Маданият палигонига олиб борган такдирда «Бажарувчи» нинг рухсатномасига биноан чиқинди ташлашига рухсат берилади.

4.4.«Бажарувчи» хар ойнинг 3-кунига кадар барча қилинган иш хужжатларини тахлил қилган холда ўз ходимини «Буюртмачи»га юбориб, у билан солиштирма далолатномасини тузади.

## 5.ХИСОБ КИТОБЛАР

5.1 «Буюртмачи» берган буюртмасидаги иш хажмининг суммасидан 100% фоизини ой бошлангунга кадар олдиндан ўтказиб бериши кўрсатилган хизмат ва бажарилган ишлардан сўнг маблағларни тулов топширикномалар оркали хамда солиштирма далолатнома тузилган кундан 5 (беш) кун ичida «Бажарувчи»нинг хисоб ракамига пул ўтказиб бериши шарт.

5.2 Мазкур шартномада хизматларни бажарилиши, тўловларни амалга оширилиши хамда хисоб китоблар муддатлари кўрсатиб ўтилаётган ойлар - йиллик календарь ойлари билан бир хилда хисобланади. Йиллик календарь ойининг бошланиши шартноманинг янги ойини бошланишини белгилайди.

## 6.НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

6.1.Тарафлар ўртасида ушбу шартномани бажариш бўйича келиб чиккан барча низолар ўзаро кели шув ва музокара оркали хал этилади.

6.2. Келишув хамда музокара йули оркали хал этилмаган низолар Туманлараро Иктисодий Судида кўриб чикилади.

## 7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1.«Буюртмачи» шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги, кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз муддатида тўламаганлиги учун «Бажарувчи»га ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоиз микдорида, аммо кечикирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорида пеня тулади.

7.2.«Бажарувчи» шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги, хизматлар кўрсатилмаганлиги учун «Буюртмачи»га кечикирилган хар бир кун учун мажбурият бажармаган кисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тўлади, бирок бунда пеняning умумий суммаси кўрсатилмай қолган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ортик кетмаслиги лозим.

7.3 Ушбу шартномада назарда тутилмаган низолар юзасидан томонлар Узбекистон Республикаси Фукаролик ва Хужалик Кодекслари хамда «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўгрисида»ги Конуни буйича жавобгар бўладилар.

## 8. БОШКА ШАРТЛАР

8.1.Ушбу шартнамага хар кандай ўзгартириш, кўшимчалар киритиш иккала томоннинг ёзма розилигига асосан амалга оширилади.

8.2.Ишлатиладиган транспорт воситаларининг хаклари нарх-наво ўзгариши, энергия ресурслари ва иш хақи оширилиши муносабати билан ўзгарганда, бир хафта ичida нархлар бўйича келишув баённомаси икки томонлама имзоланади ва ушбу шартноманинг ажралмас кисми сифатида илова килинади.

8.3.Шартнома бир томонни талабига асосан бекор килинган такдирда, иккинчи томоннинг килган харажатлари ва зиёnlари тулиқ копланиши керак.

8.4.Ушбу шартнома 2 (икки) нусхада тузилган бўлиб, хар иккалasi бир хил юридик кучга эга ва томонларда бир нусхадан сакланади.

8.5.Шартноманинг амал килиш муддати томонлар имзоланган кундан бошлаб белгиланган кунгача кучда булади.

8.6.Шартнома имзоланган кундан ва тегишли разнацилик бўлимидан рўйхатга олингандан бошлаб, 20 22 йилнинг 31.12 кунига кадарли амал қилади.

8.7.Иш жараёнида мазкур шартнамага кўшимча ва ўзгартиришлар иккала томоннинг розилиги билан киритилиши мумкин.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### «БАЖАРУВЧИ»

«Андижон тезкор тозалик» МЧК

Андижон шаҳар Окроввот-9 уй

X/p 2020 8000 8003 6635 3091

МФО: 00401 ИИН: 302 998 402

АТ «Алокабанк» Тошкент ш. булими

Тел.идора : +99890 622-44-44, 95-200-44-40

Директор Рахмонов С.С.



### «БЮЮРТМАЧИ»

ANDIJON SHAHAR TIBBIYOT  
BIRLASHMASI

ANDIJON SHAHAR YU. OTABEKOV KOFCHA 1-NU  
X/EP/600222608191075@0057005

ETTA 20023/815 XXTUT: 91514


REP. UZBEK. MUNIYA VAZIRLIGI S'AZMACHRLIGI

840 2000 3001 00001010

BANK TOSHKENT SHAHAR

MUN. BOSSHOARMASI XKKM MFO: 00014

STID: 201122918



**YURUDIK AHAMIYATGА EGA XUJJATLARNING QONUN VA  
QONUNOSTI ME'YORLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

Loyihaning turi:  
Shartnoma

**Loyihaning mazmuni:**

To'g'ridan-to'g'ri shartnoma  
Andijon shahar Tibbiyot birlashmasi bilan "ANDIJON TEZKOR  
TOZALIK" MChJ o'rtasidagi O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021-yildagi  
684-sonli "Davlat xardillari to'g'risida"gi qonuning 71-moddasi 6-band hamda  
O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Matkamasingin 30.03.2018-yildagi 249-sonli  
qarorining 2-ilovasi 15-bandiga asosan 14 941 950 (o'n to'rt million to'qqiz yuz  
qirq bir ming to'qqiz yuz ellik) so'mlik qattiq va suyuq maishiy chiqindilarni  
tashish xizmatlari ko'rsatish yuzasidan tuzilayotgan shartnoma loyihasi.  
**Asoslatiruvchi xujjatlari:** O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021  
yildagi 684-sonli "Davlat xardillari to'g'risidagi Qonunining 71-moddasi 6-band  
hamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamsining 30.03.2018-yildagi 249-  
sonli qarorining 2-ilovasi 15-bandini.

**Loyiha ishlab chiqaruvchi tashkilot:**  
Andijon shahar Tibbiyot birlashmasi. 26.01.2022-yil.

**Shartnoma loyihasini o'rganish yuzasidan,**

**X U L O S A**

Taqdim etilgan shartnoma loyihasi amalidagi O'zbekiston Respublikasining  
Fuqarolik Kodeksi va O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi "Xo'jalik  
yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'risida"gi  
qonuni talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga  
muvofiq. Shartnoma yuzasidan kelib chiqadigan oqibatarga bosh yuristikonsult  
javobgar emas.

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi:  
bosh yuristikonsulti:**  
F.Mamajonov  
28.01.2022-yil.

